

## Тарих силсиласида омон қолган ёдгорлик

Эргашева Сайёра Абдусоатовна,  
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчи

### Аннотация

*Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тарихий қадамжолар, буюк мутафаккир олимларнинг хотирасини абадийлаштирилди. Шу жумладан Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган Султон Саодат мажмуаси ҳам шундай муқаддас тарихий ёдгорликдир. Уни тарихий жиҳатдан ўрганиш, ёш авлодга тарихий ёдгорликларни асраб авайлаш таълим тарбиясини беришдан иборатдир.*

Ўзбекистоннинг бошқа худудларидан фарқли ўларок, мақбараларга девор ғиштлари орқали соддагина безак бериш Сурхондарё меъморчилик мактаби учун хос хусусиятдир. Мақбараларнинг кўпчилиги мусулмон авлиёлари қабри устида тикланган. Улар дафн этилган жой анъанага кўра зиёратгоҳларга айланган. Вақтлар ўтиши билан уларнинг энг муқаддасларида диний-мемориал мажмуалар (Зул кифл, ат-Термизий ва Султон Саодат) вужудга келган. Бундан ташқари, Термиз воҳасида бир қатор ўзгаришга учраган ёхуд бир қисми сақланиб қолган XI-XII асрларга оид хом ғишдан қурилган, квадрат тархдаги бир хонали гумбазли мақбаралар ҳам учрайди. Дин арбоби ва Термиз саййидларининг эътиборли сулоласи дафн этилган жойда XI-XVII асрлар давомида қурилган Султон Саодат мажмуаларидир.

*Султон Саодат мажмуаси* узун ҳовли бўйлаб қурилган ва бир бутун ҳамда ихчам композицияни ташкил этувчи мақбара, масжид, хонақоҳ каби турли даврларда қурилган иншоотлардан иборат. Мажмуанинг X-XI асрларда қурилган жануби-ғарбий қисмида марказлашган композицияли йирик квадрат хонали иккита гумбазли мақбара улардан энг қадимийси ҳисобланади. Уларни ўртада жойлашган чуқур кубба томли айвон XIV-XV асрлардаги таъмирлаш жараёнида баландроқ қилиб қурилган ва турли рангли кошинлар билан зийнатланган, ёнларида икки хона ва даҳлиз жойлашган. Кейинчалик бу мажмуага кирувчи кўпгина иншоотларда унинг қадимги мақбараларида қўлланилган марказида очиқ айвони бор уч қисми ёйиқ бош тарзи композицияси тури вариантларда такрорланди. X – XVII асрлар давомида қурилган ва ўз таркибига 20 га яқин мақбарани бирлаштирган Султон Саодат мақбаралари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу саййидлар маҳаллий мусулмон руҳонийлари юқори табақаси сулолаларининг даҳма-мақбарасидир. Бу бир оилавий мақбаралар ва маросим хоналаридан иборат меъморий мажмуа асрлар давомида ташкил топган бутун иншоотдир. Ансамблнинг энг қадимийси унинг жануби - ғарбидаги XI асрда қурилган баланд гумбазли айвон пештоқлар остидаги гўрлар билан тўла икки мақбарадир. Уларнинг биринчиси ўлчами 10x 10 метр, иккинчиси 9x9 метр бўлиб, икковини бирлаштирувчи гумбаз остидаги кенг майдон масжид хизматини бажарган. Унда турли-туман уйма ғиштлар жуда моҳирона ва турли услубда терилганлиги кишини ҳайратга солади. Биринчи мақбарада IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган шу атроф-ерларнинг йирик мулк эгаси, обрўли оила бошлиғи ҳисобланган Ҳасан ал-Амир исми саййиднинг хоки ётибди. Бу мақбара залининг ички томони серҳашам қилиб безатилган. Бу зал ҳар хил шаклдаги ғиштлар билан турли-туман услубда терилган.

Иккинчи зал жиҳози бирмунча оддий. Ҳар иккала мақбара эшиги- кунгурадор бўлиб, ҳовлига қаратиб қурилган. Бу услуб эса ансамблнинг кейинчалик ривожланишига режа сифатида хизмат қилди. «Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодлари қандай қилиб Термизга келиб қолган экан?» деган савол берилиши табиий. Буни қуйидагича таърифлайдилар. Нақл қилинишича, Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан бўлган ўғли Хусайн сўнгги сосоний шоҳ Яздигарднинг қизига уйланади. Уларнинг

Ўғиллари Алидан Хусайн ул-Асқар, ундан эса Убайдулло дунёга келади. Халифа ал-Мансур даврида (754-775 йиллар) Амир Убайдулло халифа деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъфар ал-Хужжат Мадина ҳокими бўлган. Термиз саййидлари хонадонининг асосчиси Хасан ал-Амир Жаъфар ал-Хужжатнинг ўғлидир. Келтирилган шажара мусулмон дунёсида кенг тарқалган бўлиб, кўплаб манбаларда учрайди. Хасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшайди, 865 йилда Балхга кўчиб ўтади. Тахминан, 865 йилда Хасан ал-Амир Термизга келди ва шу ерда яшаб қолди. Хасан ал-Амир ва унинг яқинлари Мовароуннаҳрга келган пайтда сомонийлар сулоласининг юксалиши бошланган эди. Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласида ҳозиргача илмий доираларда ягона фикрга келинмаган. Баъзи манбалар сомонийларни Термиз билан боғлайдилар. Термиз саййидларининг шажараси ҳам шу манбалар жумласига кириб, Исмоил Сомонийнинг ҳар йили Термизга келиши тўғрисида хабар беради. Саййид Амир Абдулло Исмоил Сомонийнинг Махсума (ёки Моҳисиймо) исмли қизига уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб Термиз саййидлари худованзода лақабини олишган. Фикримизча, Термиз саййидларининг мақбараси Султон Саодат сомонийлар даврида қурила бошлаган, шунингдек, саййидлар жамоаси ўзининг алоҳида бошлиғига - ноибига ҳам шу даврда эга бўлганлар. Муҳаммад (с.а.в.) авлодлари яшаган ҳар бир ҳудудда уларни бошқариб турадиган алоҳида нақиб бўлган. X асргача барча нақиблар аббосийлардан бўлиб, Алининг авлодлари ҳам уларга бўйсунилган. Термизда ҳам саййидларнинг нақиблари бўлган, унинг вазифасига ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш ва нафақаларни тарқатиш кирган. Термиз нақиблари орасида энг машҳури Али ибн Жаъфар ал Мусавийдир. Мусулмон дунёсининг машҳур олими Абул Фатх Муҳаммад аш-Шаҳристоний асарлари Термиз нақибига бағишлангандир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз керакки, тарих саҳифаларида номларигина қолган, археологлар томонидан тўлалигича ўрганилмаган меъморчилик иншоотлари мавжуд эдики, улар асосан 30-йилларда собиқ шўро мафкурасига «ёт бўлган ислом дини масжид-мадрасаларини» йўқ қилиш баҳонасида амалга оширилган бўлса, 50-60-йилларда эса куриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш баҳонасида бузиб ташланди, йўқ қилинди. Аммо ўз халқи тарихини, маданият ўчоқларини бузиб ташлашларига қарши ҳаракатлар натижасида, 1932-1933 йилларда бузиб юборишга қарор қилинган Султон Саодат мажмуаси оқсоқолларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли сақланиб қолган бўлса-да, аммо Қадимий Термиз Чор устун масжиди, Термиз Минораси, Термизшоҳлар саройи, Афғон масжиди ва бошқалар бузиб юборилган, унинг ўрни эса пахтазорга айлантирилган.

#### Адабиётлар:

1. Камалитдинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохари-стана по арабоязычным источникам IX — начала XIII в. Ташкент, 1996.
2. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. -Ташкент. 1982.
3. Жуков В.Д. Развалины ансамбля дворцовых зданий в пригороде средневекового Термеза // Труды АН Уз ССР, серия I, ТАКЭ, Ташкент 1941.
4. Прибыткова А.М. Строительная культура Средней Азии IX-XII вв. М., 1962.
5. Нильсен В.А. Некоторые сырцовые упольные постройки на юге долины Сурхандарьи. ИМКУ, 1962, №3.